

## ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИЖОДИДА ТАЪЛИМ –ТАРБИЯ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

*Абдулахатова Манзура Акрамжоновна*

*Чирчиқ давлат педагогика университети 1- босқич талабаси*

**Аннотация:** Мақолада Шарқ мутафаккирлари меросида таълимий-ахлоқий қарашларнинг ифодаланиши, улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш ҳақида фикр юритилган. Шарқ мутафаккирлари томонидан илгари сурилган қарашлар ҳамда ғоялар бугунги кунда ҳам муҳим таълим-тарбиявий манба сифатида ёшлар онги ва қалбига маънавий озуқа бериши, уларнинг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясини таъминлашдаги ўрни каттадир.

**Калит сўзлар:** Таълим, тарбия, мамлакат, тарих, иқтидорли ёшлар, оила, таълим муассасалари.

Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, “Бизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлмиш ёшларимизга янада кенг йўл очиб бериш, фарзандларимизни замонавий билим ва малакага, ўз мустақил фикрига эга бўлган маънавий юксак, комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб ўрин эгаллаши йўлида зарур шарт-шароитларни яратиш бериш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз” деган сўзларидан келиб чиққан ҳолда иқтидорли ёшларни топиш ва қўллаб қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хўш, иқтидорли ёшларни рўёбга чиқариш нималарга боғлиқ? Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг сўзлари билан айтганда, - Гап ёшлар тарбияси ҳақида борар экан, бу борада шошмаслик, ёшлар ва ота-оналарнинг талаб-истакларидан келиб чиқиб, ҳар томонлама пухта ўйлаб иш тутиш керак, бу эса мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик, жамиятда тинчлик ва аҳиллик, миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш, мустақилликнинг узоқ йилларга мўлжалланган ижтимоий-сиёсий тараққиёт йўлини белгилаб олиш, истиқлолимизни ички ва ташқи хуружлардан асраб-авайлаш, янги жамиятнинг янги, юксак маънавиятли, мустақил фикрлашга қодир, айни чоғда, мамлакат, миллат тарихини яхши билувчи, улуғ аجدодларимиз қолдирган илмий маънавий меросдан баҳраманд ёшларни тарбиялаш вазифаси тураради.

Таълим-тарбия соҳаси – барча соҳалар тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Таълим-тарбия жараёнининг барча босқичларини қамраб олувчи узлуксиз таълим-тарбия тизими ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаш учун барча шарт-шароитларни яратади. Республикаимизнинг ўз истиқлолига эришиб, ўзига хос тараққиёт йўлини

танлаши ёш авлод таълим-тарбия тизими, унинг мазмунини қайта ташкил этиш, юртимиз, халқимиз миллий хусусиятларига хос, жаҳон андозаларига мос кадрлар тайёрлаш таълим-тарбиянинг узвийлигига боғлиқдир.

Шарқ уйғониш даврида мутафаккирларнинг педагогик қарашлари, ахлоқий ва тарбиявий ғоялари асосий масала бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия асосий масала бўлган ва унга катта эътибор берилган. Зеро, инсонийлик ғоясида юксак ахлоқий хислатлар ифодаланганлиги учун ҳам Шарқ уйғониш даври фалсафаси ва педагогикасида таълим-ахлоқий йўналиш муҳим аҳамият касб этган. Ахлоқ масаласи файласуфларнинг, буюк мутафаккирларнинг диққат марказида бўлган. Бу даврда таълимий-ахлоқий рисолалар пайдо бўлган. Жумладан: “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт саодатга эришув ҳақида”, “Ахлоқ ҳақида рисола”, “Ишқ рисоласи”, “Қутадғу билиг”, “Ахлоқи Насрий”, “Ахлоқи Жамолий”, “Ахлоқи Муҳсиний”, “Ҳибат улҳақойик”, “Қобуснома”, “Гулистон”, “Бўстон”, “Маҳбуб ул-қулуб” каби Форобий, Беруний, ибн Сино, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Тусий, Давоний, Кошифий, Кайковус, Саъдий, Жомий, Алишер Навоийларнинг таълимий-ахлоқий асарлари инсон шахсини маънавий-ахлоқий шакллантириш муаммосини ҳал этишда соф педагогик асарлар сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур педагогик асарларда инсоннинг маънавий камолга етишида юксак ҳуқ-одоб, илм-фанни эгаллаш ғояси илгари сурилган.

**Таълим** – шахснинг маърифатлилиқ ва тарбияланганлиқ даражасини ошириш орқали унинг ривожланишини таъминлаш мақсадида ўргатувчи билан ўрганувчилар ўзаро биргалиқда амалга оширувчи дидактик фаолият. Шахснинг ақлий тараққиётини таъминлаш масадида кўрилувчи дидактик чоратадбирлар тизими.

**Тарбия** – авлодлараро ижтимоий-тарихий ва ҳаётий тажрибани узатишга хизмат қилувчи, оила, таълим муассасалари, ижтимоий, сиёсий ва бошқа ташкилотлар, ОАВ ва бошқа таъсири остида жисмонан соғлом, маънан баркамол инсонни шакллантириш ва такомиллаштириш жараёнини англатувчи тушунча.

**Таълим-тарбия** ўзаро узвий боғлиқ бўлган диалектик тушунча бўлиб, таълим Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари (шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш тизимлари) яхлит маърифий-тарбиявий, ижтимоий-маънавий муштараклигидан ташкил

Шарқнинг улуғ мутафаккирлари томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини очиқ беришнинг аҳамияти ҳам шунчалиқ муҳим. **Жумладан:**

**Абу Наср Форобий** (873-950) айтади: “Таълим деган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб-хунар фазилатларини бирлаштириш”,

“тарбия жараёнининг муваффақиятли кечиши учун тарбия берувчининг ўзи тарбияли бўлмоғи шарт”, дейди ва инсонни тарбиялаш, тарбияланувчи ихтиёрий равишда зарурий, ақлий ва ахлоқий ҳислатларни – билимли бўлишга, тўғрилиқни ва ҳақиқатни севишга, жасур, дўстларга садоқатли бўлиш каби фазилатларни эгаллашга интиломоғи лозим. Таълим фақат сўз ва ўрганиш билан, тарбия эса амалий иш, тажриба билан амалга оширилишини айтади ва тарбияни ҳар бир халқ, миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган иш – ҳаракат, касб – хунарга ўргатишдан иборат деб ҳисоблайди. Олим инсонни дунё тараққиётининг энг мукамал ва етук яқуни деб билади. Шунга кўра, у ўз асарларида инсонга тарбия ва таълим бериш зарурлигини ва бунда таълим-тарбия усулларида кутилган мақсад асосий ўринда бўлишини такидлайди.

**Абу али Ибн Сино** бола тарбияси ва тарбия усуллари ҳақида қимматли фикрларини билдирган. **Ибн Сино** боланинг ахлоқий тарбияси ҳақида билдирган фикрларида уй – рўзғор тутиш масалалари хусусида ҳам сўз юритади. Болани тарбиялаш оила ота – онанинг асосий мақсади ва вазифасидир. Ўз камчиликларини тузатишга қодир бўлган ота – она тарбиячи бўлиши мумкин. Ахлоқий тарбияда энг муҳим воситалар боланинг нафсониятига, ғурурига тегмаган ҳолда, яккама – якка суҳбатга бўлиш унга насихат қилишдир. **Ибн Сино** болада ахлоқий хусусиятларни меҳнат, жисмоний ақлий тарбия билан ўзвий бирликда шакллантиришни, уни инсон қилиб камол топтиришда асосий омил деб билади.

**Абу Райҳон Беруний.** Мутафаккирнинг 154 та асари номлари маълум. Мутафаккир ўз асарларида фалсафий-ахлоқий қарашлар билан бир қаторда халқлар ўртасида дўстлик ва илмий ҳамкорликни юксак қадрлайди. Берунийнинг фикрича, киши ахлоқий мукамалликка эриша олиши учун ўз хулқи ва одатларидаги нуқсонларни тозалаб, ўзини тарбиялаб, ахлоқан даволаши зарур, дейди. Беруний халқлар ўртасида дўстликни ва илмий ҳамкорликни юксак қадрлайди.

**Алишер Навоий – шоир, мутафаккир, олим, давлат арбоби (1441-1501).** У нафақат буюк шоир, ўзбек адабиётининг асосчиси, илк бора “Хамса” асарини туркий тилда яратган буюк мутафаккир ҳам эди. Унинг бир қанча насрий асарлари ўзбек тилига бағишланган. Ўзининг “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокаматул-луғатайн”, “Мезон ул-авзон” каби асарларида ўзбек тилининг имкониятларини кўрсатиб берган. Мутафаккир ўз асарларида бир қатор тўртликларни аёллар, ота-она ва фарзанд муносабатлари таърифига бағишлади. Навоий ижодида аёллар, айниқса, оналарга бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиром доимо сезилиб туради. Жумладан, “Ифбатли, ширинсўз, хушмуомала, ақли ва гўзал хулқ аёллар ҳамиша қут-барака, ширин ҳаёт манбаидирлар. Сен ўзингга ёр, маҳбубу тиласанг, унинг тўғрисўзлиги, ҳақгўйлиги, юриш-туришига боқ” –

дейди. Албатта, шоир аёлларни бебаҳо сўзлар билан кўкларга кўтарар экан, эркакларни аёл танлашда нималарга аҳамият бериш кераклигини таъкидлаб ўтади.

Бугун, орадан деярли минг йил ўтганидан кейин ҳам биз ўрта асрларда яшаб ижод қилган, жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг даҳоси, илм-фаннинг турли йўналишларидаги изланишлари ва қомусий билимлари олдида ҳайратга тушамиз.

Шарқ мутафаккирлари томонидан илгари сурилган қарашлар ҳамда ғоялар бугунги кунда ҳам муҳим таълим-тарбиявий манба сифатида ёшлар онги ва қалбига маънавий озуқа бериши, уларнинг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясини таъминлашдаги ўрни каттадир. Шарқ мутафаккирларининг ижодий фаолиятидаги таълим-тарбияга оид ёндашувлар, ғоялар, қарашларни ёш авлоднинг онгига сингдиришда тарбия усуллари ва воситаларини билиш ўта муҳим масаладир, ҳаётда улардан тўғри фойдаланиш тўғрисида илмий мақолаларда, адабиётларда кўплаб мулоҳазалар юритилмоқда.

Ана шу бебаҳо илмий меросни янада теран тадқиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга янги туртки бериш, Шарқнинг улў алломалари томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини очиб беришнинг аҳамияти ҳам шунчалик муҳим деб ҳисоблайман.

Шарқ **“Уйғониш даври”** да илм-фан ривожланиши уч йўналишда бўлди: **Биринчи йўналиш.** Математика-тиббиёт йўналиши бўлиб, буларга математика, астрономия, кимё, геодезия, минералогия, тиббиёт, фармология ва бошқалар киритилган.

**Иккинчи йўналиш.** Ижтимоий-фалсафий йўналиши бўлиб бунда фалсафа, тарих, мантиқ, фикҳ, руҳшунослик, нотиклик қабилар киритилган.

**Учинчи йўналиш.** Таълимий-ахлоқий йўналиш бўлиб, қомусий олимларнинг асарларидаги дидактик ва ахлоқий фикрлар асосий ўринни эгаллаган.

Шарқ уйғониш даврида инсон муаммоси маънавий соҳадаги асосий масала бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия асосий масала бўлган ва унга катта эътибор берилган. **Зеро, инсонийлик ғоясида юксак ахлоқий хислатлар** ифодаланганлиги учун ҳам Шарқ уйғониш даври фалсафаси ва педагогикасида таълим-ахлоқий йўналиш муҳим аҳамият касб этган. Ахлоқ масаласи файласуфларнинг, буюк мутафаккирларнинг диққат марказида бўлган.

**Хулоса** ўрнида шуни такидлаш керакки, “Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак”,. Айни вақтда “Фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинлар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!”. Мутафаккирларнинг мазкур сайъи-

ҳаракатлари бугунги кун таълим-тарбия жараёнида ёш авлод тарбиясида дастуруламал бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Тарбия (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия). - Т.: - Ўзб. миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2010.
2. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – 526-527-бетлар.
3. Қ.Одилов, ЎзМТДП фракцияси аъзоси. Оила ва ёшлар. Тошкент2012 йил.